XII. ДЕМОГРАФИК ҲОЛАТ ВА ЎРТАЧА ИШ ҲАҚИ

Дастлабки маълумотларга кўра, 2019 йилнинг январь-сентябрь ҳолатига вилоят доимий аҳолисининг сони 3 711,2 минг кишини ташкил этиб, йил бошидан 66,3 минг кишига ёки 1,0 фоизга кўпайди. Шундан, 2 097,5 минг киши – шаҳар жойларида (жами аҳоли сонининг 56,5 фоизи) ва 1 613,7 минг киши – қишлоқ жойларида (43,5 фоизи) истиқомат қилади.

Вилоят ҳудуди ва аҳоли зичлиги
2019 йил 1 июль ҳолатига

	ташкил топган сана	*ҳудуди, минг кв. км*	*доимий аҳоли сони, минг киши*	*1 кв. км га аҳоли зичлиги, киши*
Вилоят бўйича	**15.01.1938**	**6,759**	**3 711,2**	**549,1**
шаҳарлар:				
Фарғона	1877 й.	0,1003	286,2	2853,4
Қўқон	X аср	0,037	250,5	6770,3
Қувасой	14.06.1954 й.	0,264	92,4	350,0
Марғилон	X аср	0,041	232,9	5680,5
туманлар:				
Олтиариқ	29.09.1926 й.	0,631	208,2	330,0
Қўштепа	16.04.1952 й.	0,368	187,1	508,4
Бағдод	31.12.1964 й.	0,333	211,6	635,4
Бувайда	26.12.1973 й.	0,279	224,0	802,9
Бешариқ	29.09.1926 й.	0,774	224,6	290,2
Қува	10.02.1939 й.	0,438	254,3	580,6
Учкўприк	29.09.1926 й.	0,275	224,8	817,5
Риштон	09.01.1967 й.	0,307	198,9	647,9
Сўх	27.02.1990 й.	0,221	76,6	346,6
Тошлоқ	12.04.1973 й.	0,243	198,7	817,7
Ўзбекистон	17.04.1963 й.	0,689	235,0	341,1
Фарғона	22.02.1964 й.	0,6117	209,8	343,0
Данғара	07.12.1970 й.	0,435	170,7	392,4
Фурқат	09.04.1992 й.	0,305	116,2	381,0
Ёзёвон	27.12.1980 й.	0,407	108,7	267,1

Фарғона вилоятининг маъмурий-ҳудудий ташкил топиши 1938 йилнинг 15 январидан бошланади. Ҳудуди 6,8 минг квадрат километрни ташкил этади ёки мамлакатимиз ҳудудининг 1,5 фоизига тенг. Вилоятимиз шимолдан Наманган вилояти, шарқдан Андижон вилояти, жануб томондан Қирғизистон Республикасининг Ўш ҳамда Баткен вилоятлари ва ғарбдан Тожикистон Республикасининг Хўжанд вилояти билан чегарадош. Вилоянинг Сўх тумани ҳамда Фарғона туманининг Шоҳимардон ва Ёрдон, Риштон туманининг Чўнғира қишлоқлари вилоят, Республика ҳудудидан ташқарида, Қирғизистон Республикаси ҳудудида жойлашган.

Вилоят маъмурий ҳудудий бўлинишига кўра 4 та вилоят миқёсидаги шаҳар, 15 та туман, 5 та туманлар тасарруфидаги шаҳарлар, 197 та шаҳар типидаги посёлкалар, 1 227 та аҳоли яшаш пунктлари ҳамда 1 031 та маҳалла фуқаролар йиғинларидан ташкил топиб, уларда 3 711,2 минг нафар аҳоли истиқомат қилади.Вилоятнинг маъмурий маркази Фарғона шаҳри.

Вилоятнинг иқлими кескин континентал, қуруқ. Тоғ тизмалари Фарғона водийсига совуқ ҳавонинг кириб келишини тўсиб турганлиги боис, қишда об-ҳаво бир мунча мўътадил. Ёзи иссиқ, июлнинг ўртача ҳарорати 27,5°С, қиши нисбатан совуқ, январнинг ўртача ҳарорати -3°С. Вегетация даври 217 кун, йиллик ўртача ёғин миқдори 200-250 мм.ни ташкил этади.

Тупроқлари бўз, қўнғир, ўтлоқи, ботқоқ тупроқлар, қумтош, мергел чақиртошлардан иборат бўлиб, экин экилмайдиган текисликлар қисмида турли ўсимликлар, тоғ ён бағирларида писта, бодом ўсади. Ёввойи ҳайвонлар (бўри, тулки, қобон ва бошқалар) кам учрайди, судралувчилар, кемирувчилар, қушлар, сув ҳавзаларида балиқлар бор.

Географик жойлашуви, табиий, минерал хом-ашё ресурсларининг мавжудлиги вилоятда азотли ва фосфорли ўғитлар, нефть маҳсулотлари, оҳактош, соғ тупроқлар (ғишт, черепица учун хом-ашё), мармар, цемент хом-ашёси, шағал, енгил саноат, хусусан тўқимачилик ва озиқ-овқат маҳсулотлари, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш саноатини ривожлантириш учун янада қулайдир. Вилоятда фойдали қазилмаларнинг 43 тури аниқланган бўлиб, улардан 21 таси ўзлаштирилмоқда.

Фарғона вилояти ҳудудлари
бўйича доимий аҳоли сони тўғрисида маълумот
(2019 йилнинг 1 июль ҳолатига)

	Доимий аҳоли сони, минг киши			*Доимий аҳоли сонининг ўсиш суръати, фоизда*		
	жами	*шу жумладан:*		*жами*	*шу жумладан:*	
		шаҳар	*қишлоқ*		*шаҳар*	*қишлоқ*
Фарғона вилояти	**3711,2**	**2 097,5**	**1 613,7**	**101,8**	**101,8**	**102,0**
шаҳарлар:						
Фарғона	286,2	286,2	x	101,9	101,9	x
Қўқон	250,5	250,5	x	101,5	101,5	x
Қувасой	92,4	51,9	40,5	101,7	101,6	101,8
Марғилон	232,9	232,9	x	101,5	101,5	x
туманлар:						
Олтиариқ	208,2	157,4	50,8	101,9	101,7	102,2
Қўштепа	187,1	73,6	113,5	102,0	101,5	102,3
Бағдод	211,6	109,3	102,3	102,1	101,9	102,3
Бувайда	224,0	108,6	115,4	101,9	100,0	102,9
Бешариқ	224,6	78,9	145,7	101,9	101,9	101,9
Қува	254,3	118,1	136,2	101,7	101,6	101,8
Учкўприк	224,8	40,8	184,0	101,9	101,7	101,9
Риштон	198,9	127,7	71,2	101,8	101,7	102,1
Сўх	76,6	48,8	27,8	102,0	101,9	102,1
Тошлоқ	198,7	46,3	152,4	101,9	101,7	102,0
Ўзбекистон	235,0	102,0	133,0	101,9	101,6	102,0
Фарғона	209,8	131,4	78,4	101,8	102,1	101,4
Данғара	170,7	109,8	130,9	101,9	101,8	102,0
Фурқат	116,2	27,4	88,8	101,4	101,1	101,5
Ёзёвон	108,7	65,8	42,9	101,9	102,0	101,7

Шаҳарлар ичида энг кўп аҳоли Фарғона шаҳрида 286,2 минг киши (ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 1,9 фоизга ўсган) ва туманларда энг кўп аҳоли Қува туманида бўлиб, 254,3 минг кишини ташкил қилади (ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 1,7 фоизга ўсган).

Ҳудудлар кесимида доимий аҳоли сонининг тақсимланиши

(2019 йил 1 июль ҳолатига; вилоят жами аҳолисига нисбатан, % да)



Январь–сентябрида вилоят бўйича аҳолининг табиий ҳаракати коэффициентлари

Кўрсаткичлар	*минг киши*		*1000 аҳолига нисбатан*	
	2018 йил	*2019 йил*	*2018 йил*	*2019 йил*
Туғилганлар	33,5	37,0	18,6	20,2
Ўлганлар	8,1	8,5	4,5	4,6
шу жумладан бир ёшгача болалар	0,2	0,2	5,7	6,2
Никоҳлар, *мингта*	11,2	10,6	6,2	5,8
Ажралишлар, *мингта*	1,7	1,6	1,0	0,9

Туғилиш даражаси. 2019 йилнинг январь–сентябрида туғилганлар сони 37,0 минг кишини ташкил этди ва 2018 йилнинг шу даврига (33,5 минг киши) нисбатан 3,5 минг кишига кўпайди, шунга мос равишда туғилиш коэффициенти 20,2 промиллени ташкил қилди.

Туғилиш даражасининг кўпайиши вилоятнинг Олтиариқ туманида 17,9 дан 20,2 промилле, Бешариқ туманида 16,5 дан 18,0 промилле, Фарғона шаҳрида 15,2 дан 16,6 промиллега, Қўқон шаҳрида 18,4 дан 20,0 промиллега, кузатилди.

Аҳолининг табиий ҳаракати коэффициенти

2019 йилнинг январь–сентябрь ҳолатига (1 000 аҳолига нисбатан, промилле)



Ўлим даражаси. 2019 йилнинг январь-сентябрда ўлганлар сони 8 463 кишини ташкил қилди ва 2018 йилнинг шу даврига (8 122 киши) нисбатан 341 кишига кўпайди. Мос равишда ўлим коэффициенти 4,6 промиллени ташкил қилди (2018 йил январь-сентябрда 4,5 промилле).

Ўлганлар сонининг камайиши вилоятимизнинг ҳар бир шаҳар ва туманида юз берган бўлиб, энг кўп камайиш Бешарик туманида 4,5 дан 4,3 промилле, Тошлоқ туманида 4,3 дан 4,2 промиллега кузатилди, Узбекистон туманида 4,7 дан 4,2 промилле, Фаргона туманида 4,9 дан 4,5 промилле, Ёзёвон туманида 4,0 дан 3,3 промилле.

Ўлганлар умумий сонининг 64,4 фоизи қон айланиш тизими касалликларидан, 8,2 фоизи ўсма касалликларидан, 6,1 фоизи овқат ҳазм қилиш органлари касалликларидан, 4,7 фоизи бахтсиз ҳодиса, захарланиш ва шикастланиш касалликларидан, 4,2 фоизи нафас олиш органлари касалликларидан вафот этган.

Ўлганлар умумий сонининг таркибий тузилиши
(2019 йилнинг январь-сентябрь ҳолатига, фоизда)



Дастлабки маълумотларга кўра, 2019 йилнинг январь-сентябрда бир ёшга тўлмаган 244 та болалар ўлими кузатилди. Гўдаклар ўлими коэффициенти 6,2 промиллени ташкил қилди (2018 йилнинг январь-сентябрда 5,7 промилле).

Бир ёшгача ўлган болалар умумий сонининг 36,9 фоизи перинатал даврда юзага келадиган ҳолатлардан, 26,6 фоизи туғма аномалиялардан, 20,9 фоизи нафас олиш органлари касалликларидан, 5,7 фоизи инфекция ва паразит касалликларидан ва 5,7 фоизи бахтсиз ҳодиса, захарланиш ва шикастланиш оқибатида вафот этган.

Никоҳлар ва ажралишлар. 2019 йилнинг январь-сентябрда шаҳар, туман ҳокимликларининг ФҲДЁ бўлимларида 10 639 та никоҳлар ва 1 578 та ажралишлар рўйхатга олинди. Минг аҳолига нисбатан 5,5 та никоҳ (2018 йилнинг тегишли даврида 6,2 та) ва 0,9 та ажралишлар (2018 йилнинг тегишли даврида – 1,0) тўғри келади.

Январь–сентябрда тузилган никоҳлар ва никоҳдан ажралишлар сони

(бирликда)

	Тузилган никоҳлар		*Никоҳдан ажралишлар*	
	2018й.	*2019й.*	*2018й.*	*2019й.*
Вилоят	11 163	10 639	1 725	1 578
шаҳарлар:				
Фарғона	707	782	206	228
Қўқон	824	801	191	176
Қувасой	240	231	52	54
Марғилон	555	595	98	103
туманлар:				
Олтиариқ	656	579	76	74
Қўштепа	450	397	74	58
Бағдод	685	608	86	85
Бувайда	630	549	80	69
Бешариқ	839	698	97	88
Қува	816	738	107	80
Учкўприк	654	696	63	62
Риштон	682	648	108	90
Сўх	293	260	26	18
Тошлоқ	491	487	63	52
Ўзбекистон	812	666	140	100
Фарғона	618	669	82	101
Данғара	557	548	82	71
Фурқат	400	405	57	47
Ёзёвон	254	252	37	22

Миграция. Дастлабки маълумотларга кўра, 2019 йилнинг январь-сентябр ойларида вилоятга кўчиб келганлар сони 6 519 кишини, шу давр мобайнида кўчиб кетганлар сони эса 7 220 кишини ташкил қилди. Миграция қолдиғи минус 701 кишига (2018 йилнинг шу даврида – минус 637 киши) тенг бўлди. Энг катта минус қолдиқлар Марғилон шаҳри (минус 409), Фарғона тумани (минус 389) ва Қўқон шаҳрида (минус 202) кузатилди.

Январь–сентябрда аҳолининг миграция кўрсаткичлари
(киши)

	Келганлар		*Кетганлар*		*Миграция сальдоси*	
	2018й.	*2019й.*	*2018й.*	*2019й.*	*2018й.*	*2019й.*
Вилоят	**6 636**	**6 519**	**7 273**	**7 220**	**-637**	**-701**
шаҳарлар						
Фарғона	1 947	2 003	986	1137	961	866
Қўқон	594	629	796	651	-202	-22
Қувасой	195	227	181	199	14	28
Марғилон	297	643	706	597	-409	46
туманлар						
Олтиариқ	149	167	231	275	-82	-108
Қўштепа	343	235	309	425	34	-190
Бағдод	323	329	313	341	10	-12
Бувайда	230	164	357	326	-127	-162
Бешариқ	206	160	284	236	-78	-76
Қува	324	230	332	348	-8	-118
Учкўприк	366	182	352	414	14	-232
Риштон	285	219	331	292	-46	-73
Сўх	2	4	32	20	-30	-16
Тошлоқ	323	123	364	381	-41	-258
Ўзбекистон	380	362	437	296	-57	-34
Фарғона	132	429	521	410	-389	19
Данғара	183	297	381	364	-198	-67
Фурқат	280	36	253	297	27	-261
Ёзёвон	77	80	107	111	-30	-31

Дастлабки маълумотларга кўра, 2019 йилнинг январь–сентябр ойларида ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи 1 722,6 минг сўмни ташкил қилди ва 2018 йилнинг шу даврига нисбатан 30,5 фоизга ошди. Энг юқори ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи Фарғона шаҳарда 2 143,5 минг сўмни, Қўқон шаҳарда 1890,9 минг сўмга тўғри келди.

Январь-сентябрь ойлари давомида ўртача номинал ҳисобланган иш ҳақи
(минг сўмда)



Ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳаққининг иқтисодий фаолият турлари бўйича тақсимланиши

(2019 йил январь-сентябрь, қишлоқ хўжалиги ва кичик тадбиркорлик субъектларисиз минг сўмда)



Ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақининг энг юқори миқдори молия ва суғурта фаолиятига тўғри келиб, 3 204,0 минг сўмни ташкил этди. Бу кўрсаткич курилишда 2 281,3, саноатда 2 215,5 ва таълим соҳасида 1 552,0 минг сўмдан иборат бўлди.

Ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи

(январ-сентябрь қишлоқ хўжалиги ва кичик тадбиркорлик субектларисиз, минг.сўмда)

	2018й.	2019й.	Усиш сурати %
Вилоят	**1 319,7**	**1 722,6**	**130,5**
шаҳарлар			
Фарғона	1 647,1	2 143,5	130,1
Қўқон	1 417,5	1 890,9	133,4
Қувасой	1 476,5	1 760,2	119,2
Марғилон	1 236,6	1 627,2	131,6
туманлар			
Олтиариқ	1 127,6	1 504,4	133,4
Қўштепа	1 136,7	1 427,2	125,6
Бағдод	1 129,4	1 545,0	136,8
Бувайда	1 052,4	1 381,6	131,3
Бешариқ	1 037,4	1 308,8	126,2
Қува	1 101,7	1 415,0	128,4
Учкўприк	1 079,9	1 471,8	136,3
Риштон	1 093,8	1 439,9	131,6
Сўх	1 265,4	1 476,0	116,6
Тошлоқ	1 369,0	1 756,6	128,3
Ўзбекистон	1 083,0	1 534,7	141,7
Фарғона	1 071,4	1 328,5	124,9
Данғара	1 100,3	1 420,2	129,1
Фурқат	1 151,9	1 556,3	135,1
Ёзёвон	1 174,4	1 769,6	150,7